



## Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозларидан фориғ бўлиб, салом берсалар

Муғийра ибн Шўъба разияллоҳу анҳунинг котиблари Варрод разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Муғира Муовияга: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намозларидан фориғ бўлиб, салом берсалар: «Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ала кулли шайъин қодийр.

Аллоҳумма лаа мааниъа лима аътойта ва лаа муътия лимаа манаъта ва лаа янфаъу зал жадд минкал жадд» (Аллоҳдан ўзга ибодатга сазовор Зот йўқ. Унинг ўзи ёлғиз, шериғи йўқдир. Мулк Уники ва ҳамд ҳам Уникидир. У ҳар бир нарсага қодир. Аллоҳим, Сен берган нарсани манъ қилувчи йўқ. Сен манъ қилган нарсани берувчи йўқ. Сендан бўлган жазони қайтарувчи йўқ) – дер эканлар» деб хат ёзди».

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар фарз намоздан сўнг: Лаа илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳ лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува ъала кулли шайъин қодийр. Аллоҳумма лаа мааниъа лима аътойта ва лаа муътия лимаа манаъта ва лаа янфаъу зал жадд минкал жадд», – дер эдилар. Яъни: тавҳид калимаси «Лаа илаҳа иллаллоҳ»ни эътироф қилдим ва унга иқроор бўлдим. Ҳақ ибодатга Аллоҳ таологина лойиқ, бошқалар лойиқ эмас. Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ. Ҳақиқий, тамомий мулк Аллоҳники деб иқроор бўлдим. Осмону ерларнинг барча ҳамдига Аллоҳгина лойиқ. Чунки У Зот барча нарсага қодир. Аллоҳ беришни ёки ман қилишни хоҳлаган бўлса, уни рад қилувчи йўқ. Бойнинг бойлиғи Унинг ҳузурида фойда бермайди. У Зотнинг ҳузурида фақат солиҳ амалгина фойда беради.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/65102>

